

Тожирлар қиёмат куни қандай тирилади?



12:30 / 20.01.2022 3542

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, тожирлар қиёмат куни фожирлар ҳолида тирилтирилурлар. Аллоҳга тақво қилган, яхшилик ва ростгўйлик қилган бундан мустасно», дедилар.

Имом Термизий ривояти.

Изоҳ: Агар тақводор, яхшилик қилувчи ва ростгўй бўлмаса, тожирлик эгасига надомат, охират шармандалигини келтирар экан. Ҳар бир тожир ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган уч сифат: Аллоҳ таолога тақво қилиш, яхшилик қилиш ва ростгўй бўлиш сифатларини ўзида мужассам қилишга уринмоғи керак. Ушбу сифатлари бор одамгина тижоратда фожирлик, алдамчилик, ҳаромхўрлик қилмайди. Аслини олганда тожирлик ҳам шариат кўрсатган йўл билан амалга оширилса, ибодат бўлади. Чунки тожирлар тижоратлари орқали ўзларига фойда топишдан ташқари,

жамиятлари учун катта аҳамиятга эга бўлган ишни амалга оширадилар.
Кўпчиликнинг оғирини енгил қиладилар.

Манба: arabicuz